



Жабаб

تېلېگراف

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 1 январь № 1 (40) ●

Баҳоси 8 сўм.

Мирпулат МИРЗО

Янги йил ўйлари

Аънанвий байрамлар орасида энг кўп мадҳияларга, ҳаяжонли қутловларга, умид ва тилаклар тўла сўзларга сазовор бўлган Янги йил бўлса керак. Эсимда, аввалги, яъни Совет замонида ҳар бир байрамга жуда катта масъулият ва эътибор билан ёндошлар эди. Масалан, 8 Мартми, албатта ўша кунги газеталарда фақат шокираларнинг ижоди ёритиларди, айлик нашидаси ва бахтлоналик куйланган асарлар босиларди. Биринчи Майга эса — байрам пуфаклари янгли ялтироқ, баландпарвоз шеърлар, 9 Майда, шак-шубҳасиз, уруш фахрийлари ижоддан намуналар бериларди. Байрамлар ичида айниқса 7 Наврўга ўта жиддий тайёргарлик кўрилларди. Ушбу сана олдида ўзномалар «Улуғ Октябр» ҳаёти этган саодатини улуғлашда бир-бирлари билан мусобақага киришиб кетардилар гўё. Октябр, Ленин, коммунизм ҳақидаги ҳамду санолар ҳар қанча такрорланган бўлмасин, ҳеч бир истиқоласиз, тағин чексиз завқ-шавқ билан такрорланаверар эди.

Янги йил байрами эса [эҳтимол фақат шў байрамгина] бошқачароқ, очинини айтиш керак, сиёсий жазаваларга буткул қорчиб улгурмаган, холис ва инсонийроқ байрам эди. У ўша даврларда, яъни Совет замонида ҳам айрича тароватга,файзага, беғубор шукҳга эга эди. Тантаналар орасида бу байрам ўзининг бетавор руҳи, давраларда айтилувчи орзу ва тилакларнинг самимийлиги, жўшқин ҳаяжонларнинг табиийлиги билан ажралиб турарди.

Тўғри, Янги йил насроний динининг байрами, Исо туғилган кун. Аммо у ўзининг ҳаётлиги ва кишиларга хурсандчилик улаша олишдаги саховатиға кўра Урта Осиё минтақасида диний моҳиятидан мусуво бўлиб борди ва асосан йилнинг якулиниши рамзи, янги кун қаршиланидиган тантана сифатида шаклланди.

Албатта, орамизда шарақ удумиға кўра Янги йил Наврў байрамимизда нишонланади, шунинг учун Январь байрамининг биз учун аҳамияти қолмади, дегувчилар ҳам топилди. Шў ўринда жиндак вазминлик жоиз. Бу гапда қанчалик ҳақиқат борлигини келажак кўрсатар. Яхшиси, бир зум яна Совет замониға назар ташлайлик, зеро ўтмишға баъзан истехзо билан боқиб, ундан зарур хулоса чиқара билиш ҳам бир ҳимматдир. Бу тузумнинг чеklangан, байри табиий, ҳозир ҳатто кулгили тулоладиган жиҳати шунда эдики, ўз сиёсатиға ниманки маъқул бўлса, омонға кўтариб улуглар, ниманки номақбул бўлса, ерга киритиб, поймол қилиб ташларди.

Эслайлик, Наврў байрами ана шундай поймол қилинган байрамлардан эмасмики! Табиат мувозанати, боқийлиги рамзи бўлган бу айём ҳатто тахир қилинган, у байрам қилинадиган кун ҳалқни янада кўпроқ меҳнатға ундаш учун қўлайроқ паллага кўчирилган эди. Худого минг қатла шукурки, Наврў халқимизнинг, азалий аънавалари орасида тағин ўзининг мўътабар ўринини эгаллади, чин қадр-қимматини топди. Лекин ушбу адолатнинг тантана қилгани дарҳол Январь байрамидан воз кечайлик, уни ҳаётимиздан улқўтириб ташлайлик дегани эмас-ку! Қолаверса, ҳозир бу борада кескин фикрларнинг мавриди ҳам эмас. Халқини динлиға, руҳиға, хотирасиға муҳрилик қолган шодибанлардан, маросимлардан шовиш-шошарлик билан воз кечин инсоф ва адолатдан бўлмайди, деб ўйлайман.

Мен учун ҳаммша Янги йил — йил давомида замини узра кечган воқеа ва ҳодисаларға хулоса яслашдан дамлар, ҳар бир юракда яшган режаларнинг хотимланши лаҳзалари, қолаверса, умрининг бир йили билан хайрлашиш оилари, янги орзуларға, доволарға назар ташлаш, юз бурши дақиқаларидир.

Янги йил деганда мен хонадонларда, катта майдонларда безатилган ям-яшил арчики кўз олдидан келтирмаман. Унинг атрофида совгалар улқўиб юрган Қорбобо ва Қорқиз... Болалигимизда бу лаҳзалар қанчадан-қанча завқ-шавқ, ҳаяжонлар улқўшаган қўлбимизға! Ҳолбуки, ҳозир ҳам бу мизларға ючқинтойларға ўшаидагидан кам ҳаяжон бахш этмайди!

Шундоқ экан, биз Янги йил байрамимиз турли таъқин, фикр-эйтирозларға қараласдан, аввалги самимият



Янги йилингиЗ мубораК бўлсин!

билан қарши олаверамиз. Уйлаймики, Январь байрамиди бизда кўпроқ қиш нашидасининг рамзи, қор байрамиди сифатида яшаб қолади ва ҳаётсевар халқимизға хурсандчилик улашаверади!

Мана, 1992 йил ҳам тарихға айланиб бормоқда. Бектибир жумҳуриятимизнинг йил давомида босиб ўтган машаққатли, лекин музаффар йўлиға назар ташлагини келади. Ҳа, ушбу йил — нарх-наво тинимсиз кўтарилиб борган йил бўлди. Лекин шў билан биргаликда мамлакатимизнинг обрўйи ҳам жаҳон узра муттасил юксалди. Биз хайрлашайганимиз — 1992 йилда Истиқлолнинг бир йиллигини нишонладик! Конституциямизни, мадҳиямизни қабул қилдик! Мустиқиллигимизни йил давомида мунтазам шакллантирдик!

Халқимиз чехраси Истиқлол ёғдуларидан нурафшон, дони қадди бозор иқтисодини уқубатларидан букилиб турган бир паллада Янги йил оқшомини қаршилар эканмиз, рўшнолик ялнинида, аҳш кунлар умидида юракларимизнинг энтикнинг, ҳапририши табиий!

Мен мурақаб давримиз туғёнларидан огоҳ бир ижодкор сифатида Янги — 1993 йилдан кўп нарса тиламайман. Тилагим фақат битта: жафохон, ишонувчан халқимиз турмуши тинч, фаровон, дастурхонини тўқини бўлсин, юртимизда муҳтожлар, аламзадалар, қашшоқлар ортқ кўпаймасин, дейман холос!

БУГУНГИ СОНДА:

- ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ
- САУДИЯ АРАБИСТОНИЛИК ВАТАНДОШИМИЗ ДУОИ-САЛОМИ
- ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН КИНОЧИЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ
- ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТАДИ?

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- БОШ РЕЖАНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ
- БОЛАЛИКНИНГ ОФИР ХАЕЛИ
- ИСТИҚЛОЛ ҲА ИШОНЧ АБАДИЙДИР
- ЧМР ОҚАР ДАРЕМИ?

ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚҚАНДА...

Кимдир қалбида қувонч, кимдир қалбида афсус-надомат. Чунки ўтаётган ҳар бир йил одамлар кўнглида бирор из қолдирмасдан кетмайди. Ҳаётда жуда кўп майда воқеалар билан бирга, тарихда қолғулик улкан ҳодисалар ҳам бўлиб туради. 1992 йили Муस्ताқил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Утган йили алоқа ходимлари ҳам бир қатор эзгу ишларни амалга оширдилар. Уяли ва космик алоқа иншоотлари ўрнатилиб, ҳорижий мамлакатлар билан телефон ва

телефакс орқали боғланиш имкони яратилди. Мухбиримиз Янги йил арафасида захматли соҳа ходимларига қўйидаги саволлар билан мурожаат этди:

1. 1992 йил ҳам тарих мулкига айланди. Утган йилда жами орзумидларингиз рўёбга чиқдими?
2. Сизнингча, янги йил халқимизга нималар олиб келаркин?
3. 1993 йилда қандай эзгу ишларни амалга оширмоқчисиз? Муштарийларга қандай байрам тилакларингиз бор?

Равшан АСҚАРОВ,
Алоқа вазирлиги халқаро алоқалар бўлимининг бошлиғи:

1. Йиллар ўтаверади. Бу табиий ҳодиса. Мухим — йилни қандай ўтказишда. 1992 йил Ўзбекистон муस्ताқиллигининг биринчи йили сифатида тарихда қолди. Бу йилда алоқа соҳасида жуда кўп ўзгаришлар бўлди. Хорижий мамлакатларга сим қоқиш имкони яратилди. Бу менинг қачонлардир қалбимга туққан орзум эди.
2. 1992 йил биз учун жуда оғир кечди. Шунга қарамай курашдик. Бир қанча чет эл алоқа хизмати мутасаддилари билан музокаралар олиб бордик, таназзул ҳолатидаги алоқа хизмати жиҳозларининг кўпчилигини қайтадан қуришга, чет эл асбоб-ускуналарини ўрнатишга эришдик.
3. Ҳаётим алоқа соҳаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечяпти. Замонавий алоқа хизматини йўлга қўйиш учун қўлимдан келган ёрдамимни аямайман. «Хабар» муштарийларига соғлиқ, хуш кайфият, Ўзбекистонимиз мустақиллиги учун курашда омад тилайман.

Шокир ТОИРОВ,
Алоқа вазирлиги бошлиқлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлимининг бош муҳандиси:

1. 1992 йил ўзбек халқи тарихига муस्ताқил республикамизнинг биринчи қомуси, рамзи ва мадҳиси қабул қил

диغان йил бўлиб эзилди. Бу йилда Тошкент электр алоқаси илмгоҳига қабул қилиш тест синовали орқали амалга ошди. Қабул қилинган талабаларнинг 75 фоизини маҳаллий тиллаб ёшлари ташкил этди. Республикамиз алоқа соҳасида иқтисод ва бошқарув мутахассислигига эҳтиёж катта бўлганлигидан шу илмгоҳда иқтисод ва бошқарув куллиёти очилди. Ўн тўрт нафар ёш Туркияга илм олиш учун юборилди.

2. 1992 йили виллоятларда мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқув курсларида ўқиниш тақомиллаштириш ва ходимларнинг иш юритишига алоҳида эътибор берилди.

3. 1993 йили алоқа ходимларини тақдирлаш учун «Алоқа устаси» унвонини жорий этиш, ўқув дастурини давлат тилида тайёрлаш ҳамда виллоятлардаги ўқув курсларининг мунтазам ишлашига эришиш ниятдамыз. Муштарийларнинг хонадонига тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман.

Момогул ҒАҒУРОВА,
Тошкентнинг талабалар шаҳарчасидаги 95-алоқа бўлими ичкиси:

1. Утган йил чамамда ёмон кечмади. Йўлчиликлар бўлиб туради. Машаққатин шаронгга қарамай, қизимни узатиб, орузимга эришдим.
2. 1993 йил учун 90 минг сўмлик обуна қабул қилдик. Қариндошларим,

таниш-билишлар газет-журналларга ёзилади. Мен оддий почта ходимиман. Агар биз хизмат қиладиган талабаларнинг бир лаҳзалик қувончларига шерик бўлолсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Янги йил илоҳим халқимизга тинчлик, осойишталик олиб келсин.

3. Йил давомида ёшларни кўпроқ вақтли нашрларга обуна қилдиришга ҳаракат қилман. Орамизда олам янгиликларидан беҳабарлар бўлмасин. Инсоннинг маънавияти камол топишида почта ходимлари ҳам алоҳида ўрин тутяшади.

Газетхонларга руҳий бардамлик доимо ёр бўлсин.

Муборак РУСТАМОВА,
Алоқа вазирлиги ходими:

1. 1992 йилда Ўзбекистон муस्ताқил давлат бўлиб, дунёга танилди, кўплаб хорижий мамлакатлар серқуёш диёримиз билан алоқа қила бошлади. Бу мени қувонтиради. Қизим Саодатхон олийгоҳ талабаси бўлди. Ўғлимни ўйлантирдик. Инсон учун оилавий бахт, тотувлик жуда зарур.

2. Балким ўзимдан ортиб халқимизга бирор арзиғулик кўмак беролмагандирман. Лекин доимо эзгуликка интилиб яшадим. Ҳозир ҳамма яхши сўзга, таскинга муҳтож. Атрофимиздаги бева-бечораларга, етим-есирларга садақа бермасанда, ammo бир оғиз ширин сўзимизни улардан аямайлик.

3. Эзгу ишлар режаси фақат қалба бўлишини истайман. Уларни жонсиз қоғозга тўкиш яхши бўлмас керак. Янги йилдаги истагим: оналар фарзанд меҳрига, фарзандлар ота-она меҳрига зор бўлишмасин. Ҳар бир хонадондан меҳру оқибат, файзу барака аримасин.

Ратёно НУРУЛЛАЕВА,
Алоқа муҳандиси:

1. 1992 йил биз кутган йил бўлди. Барча қатори алоқачилар ҳам муस्ताқилликни юракдан ҳис этишди. Энг қувонарлиси — ўзбек тилида иш юрита бошланди. Уттиз йил шу соҳада ишлаб, бунчалик бағрим тўлганини эслаб олмаيمان.

2. Менимча, 1993 йил бутун ўзбек халқи, жумладан алоқачилар учун ҳам омадди йил бўлади. Бахт ва омад бор жойда турмуш фаровон бўлиши турган гап.

3. Янги йилда жами ҳужжатларни давлат тилида тайёрлашга эришмоқчиман. Бошқаларни ҳам шунга даъват этаман. Муштарийларга соғлиқ ва бардамлик тилайман.

ЮСУҒЖОН Ғазиб оиди

Америкада «Войта» деб номланган ва ривожланаётган мамлакатларда техника соҳаларида дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда ёрдамлашаётган бир ташкилот қоғоз тайёрлаш усули ҳақида кичик рисола тайёрлади.

Мисрликлар Нил дарёси бўйида усадиган папирус номли ўсимликдан биринчи бор қоғоз ишлаб чиқарганликлари ҳеч кимга сир эмас. Лекин қоғоз ишлаб чиқаришни 200-йилда хитойликлар амалга оширган. Кейинчалик 300-йилда Япония, VII-асрда Ҳиндистон, суғ Африка ва ниҳоят XII асрда оврўполиклар ишлаб чиқара бошлаган. XIX асрда Франция, Британия ва Америкада қоғоз ишлаб чиқариладиган махсус машиналар ижод қилиниб, кейинчалик у тақомиллаштирилган.

Техника жиҳозлари ўзгарган бўлса-да, ammo қоғоз ишлаб чиқариш тартиби XX аср ичида ҳам унча ўзгармади. Замонавий машиналарда қоғоз лент шаклида ишлаб чиқилади. Ҳолбуки XIX асрдан олдин қоғоз саҳифалар қўлда бўлар эди. Ҳозир ўртача бир машина билан кунга 90 минг килограмм муқова ишлаб чиқариш мумкин. Лекин қоғоз ишлаб чиқариш жараёни қадим замонадагига ўхшашдир.

ҚОҒОЗ

ҚАНДАЙ

ТАЙЁРЛанаДИ?

«Войта»нинг ахборот идораси бошлиғи Рид Мартор қадимги усулни таърифлаб беради: «Лахтак ёки эски нарсалар, шунингдек қантдан ишлатиш мақсадида акратилган эски қоғозлар олино, аввало улардаги игна, мих, тугмачага ухшаш темир-терсақлардан тозаланади. Кейин улар кичик-кичик қилиб парчаланadi. Сунг суьда 5-6 соат қайнатилиб, пишрилади. Шу босқичда аралашмадаги яроқсиз материаллар тозаланган бўлади. Энди наобат тайёрланган хамир қоғозни чапқао, оқартиришга келади. Бу жараён ҳам 6-8 соат вақтин олади».

Ҳисолада хамирининг қоғоз ҳолига келиши, қуритилиб, оир-биридан ажратилиши ва кесилиши ҳақида қисқа маълумот берилган. Шунингдек, унда қоғоз ишлаб чиқариш учун керакли детал-жиҳозлар ва материалларнинг рўйхати оерилган. Уйга ўрнатиладиган қоғоз тайёрлаш машиналарида кўп миқдорда қоғоз ишлаб чиқариш мумкин. Бундай шаронгда кунга 250 килограмм қоғоз ишлаб чиқарилади. Бу техникадан Ҳиндистонда кенг қўламада фондаланилмоқда.

«Войта» ташкилоти Танзанига кичик миқёсда қоғоз ишлаб чиқариладиган техника қуриб берган. Рид Марторнинг айтишича, бу жараёнда қоғоз хамири тайёрлаш учун аввал ишлатилган қоғоз, эски лахтақлар ёки масса сотиб олинади. Бу материаллардан расм чизадиган сифатли қоғоз, ёзув қоғози, почта конверти, шунингдек, қондилик эҳтиёжга керакли бошқа қоғоз материаллар ясалади. Қоғоз кўп ҳолларда картон, тўқимачилик, ёғоч ишлаш ва ишша санюати билан рақобатлашмоқда. Қоғоз турли металл буюмларнинг ўрнини эгалламоқда. «Войта»нинг рисолида қоғоз ишлаб чиқариладиган кичик фабрика, керакли машина ва бошқа жиҳозларнинг рўйхати ҳам берилган.

(«САДО»)

АНИҚ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Жумҳурият Алоқа вазирлиги ва унинг жойлардаги корхоналари алоқа тизимининг бир маромда ишлашини таъминлаш борасида фаолият кўрсатмоқда. Бу ўз-ўзидан амалга оширилмайдиган, албатта, Шу нарса маълумки, СССРнинг иккироғдаги учраши билан алоқа тизимида мавжуд бўлган ҳамкорлик ўз-ўзидан узилди. Бу эса аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда.


Алоқачилар иқтисод ва халқ ҳўжалигида юз бераётган бўҳронларнинг соҳага камроқ таъсир этишига эришилмоқда. Бу борада мунтазам иш олиб боришиб, мавжуд куч ва имкониятларни алоқа хизмати кўрсатишини тақомиллаштиришга сарфлашаётир.

Алоқа хизмати борасида юзга келган аксарият муаммолар Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган жумҳуриятлар томонидан ташкил этилган ўзаро худудий ҳамкорлик даражасида ҳал этилмоқда. Мухим масалалар эса МДХ республикалари бошлиқларининг йиғилиши кун тартибига киритилди. Утган йил октябрь ойида Бишкекда бўлиб ўтган МДХ республикалари ҳукумат бошлиқлари «Почта ва электр алоқаси борасида давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисида» ва «Вақт ва частота бирдигининг ағона


булишини сақлаб қолиш юзасидан ҳамкорлик ҳақида»ги келишувларни имзолаган эди. Бу ҳужжатга Арманистон, Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон республикаларининг мухтор вакиллари имзо чекишти. Мазкур ҳамкорлик почта ва электр алоқаси хизматини ташкил этишда маъмурий ҳаракатларни мувофиқлаштириб, давлатлар-республикалараро алоқа тизимини ташкил этишда, алоқа воситаларини мунтазам ривожлантиришда, илмий-техникавий ва хизмат ҳақини ишлаб чиқиш борасидаги ишларни бир маромда олиб боришда бекиёс кўмак беришга мўлжаллангандир. Ўзаро келишувга биноан тузилган худудий ҳамкорлик алоқа хизмати ва унинг жойлардаги ижросини мувофиқлаштириб боради.

Умумий ахдлашув жами юмушларнинг бир маромда бажарилишини талаб этади. Бу борадаги ишларни тўғри йўлга қўйишда Ўзбекистон Алоқа вазирининг ўтган йил 24 ноябрдаги буйруғи муҳим ўрин тутди. Аниқ мақсадларни кўзлаб амалга ошириладиган тадбирлар алоқа воситалари фаолиятининг тўлақонли бўлиши ҳамда ижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

К. ТўЛАГАНОВ



Самоний сёҳат
Суратқаш Р. ШАРИПОВ



Хар куни тошкентликлар «09» хизматига сим қоқишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишмоқда. Ниҳоятда тез ва аниқ маълумот беришда муҳандис Ольга Николаевна Пестованинг муносиб улуши бор. У меҳнатсевар ва ўз ишининг устаси эканлиги билан жамоанинг ҳурматини қозongan.
СУРАТДА: О. ПЕСТОВА иш устида.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОРОЛ БОЛАЛАРИ ЎГАЙ ЭМАС

Орол фожияси асрнинг фожияси. «Пахта, пахта ва яна пахта» шириния ўйлаб тошган «доншманд»лар 70 йил давомида халқимиз бошига не-не кўргуликларни солмадилар. Қанчадан-қанча Ўзбекистоннинг бол боғлаган боғлари, ҳавзи кавсарлари тоналди, туфроққа кўмилди. Орол ҳам ўша даврнинг қурбонига айланди. Бугунги Орол ёш тўна-тўна кўз касаси қақради, фақатгина куюқ янжжалари нам қорачўга ўхшайди. Орол биздан юз ўтирди.

Жиноятга лойиқ жазо олди. Еримизни, сувимизни туз босди. Хайриятки, юраклар омон.

Орол гўдакларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, улар дардида малҳам бериш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жамоатчи муҳбиримиз Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам жамғармаси раиси Хўжабой Асқаров билан учрашиб, унга саволлар билан мурожаат этди.

— Хўжабой ака, Орол бўйида яшовчи болалар тақдирини ҳеч кимни бефарқ қолдиrolмайди. Сиз ранглик қилаётган жамғарма кулфатда қолган гўдакларга қандай кўмак беришмоқда?
— Утган йилнинг охирида Оролбўйи болалар уйларида Янги йил хайрия базми бўлиб ўтди. Ана шу болалар уйлари ота-лиққа олиб, бир марта ишлатиладиган игналар, дори-дармонлар билан тазминлаб, қурилиш ишларида ҳамкорлик қиламиз. Бундан ташқари, ҳар ойда 170 бола Чимендаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санаторийсида даволанади.

— Пулнинг қадри тушган, иқтисод бўҳронга юз тутган пайда савобли юмуш ўз-ўзидан бажарилмайди. Жамғармани моддий томондан қўллаб-қувватлаб турувчи ҳомийлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз...

— Хайрия ишларида ҳамкорлик қилаётган ташкилотлар ва таъсисчиларимизга миннатдорчилик изҳор этамиз. Булар «Авиаброк» фирмаси, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Ўзбек-

сут» комбинати, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Зарафшон» қурилиш бошқармаси, Ўзбекистон Езувчилари уюшмасининг Бадий адабиётни тарғиб қилиш Маркази ва бошқа ташкилотлардир. Эзгуликнинг кечи йўқ дейишди. Биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганларга манзилгоҳимизни яна бир бор эслатиб ўтаман: **Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, тел. 45-72-59.**

— «Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди», деган халқ мақоли бор. Ҳаммаслақ дўстларингиз ҳақида нима дедя олсангиз?
— Ҳа, дарҳақиқат чўнтагинда юз сўм пулнинг эмас, ёнингда юзта дўстинг бўлсин экан. Шунда дунёнинг ташвишларини ҳам ўйнаб-қулиб енгиб ўтиш мумкин. Ҳозирги мушкулликларга ҳар лаҳза юзма-юз келаётган оғир кунларда ҳам ёру-дўстларимнинг меҳру-мурувватидан баҳрамандам. Хайрия ишларини яхши ўтказишда жамғармамизнинг Қорақалпоғистондаги вакиллари Озодбой Ёшнйёзов, Ҳайитбой Жуманиёзов, Хоразм вилоятидаги вакилимиз

Улугбек Собировлар, айниқса, жонбозлик кўрсатишяпти.
Яна шунги алоҳида таъкидлаш керакики, барча ходимларимиз хизмат вақтида шахсий машиналаридан фойдаланишди. Харажатлар ҳам ўз ҳисобидан бўлади. Ҳозирги кунда бензин, эҳтиёт қисмлар танис ва баҳоси осмонда...

— **Жамғарманинг бу йилги режалари қандай?**
— Бу йил ҳам юқорида айтиб ўтилган болалар уйларига ва кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатишни давом эттираемиз. Ез ойларида Қорақалпоғистон жумҳурияти ва Хоразм вилоятларидаги болаларни ҳордиқ масканларига ва санаторийларга йўлланмалар билан тазминлаймиз. «Наврўз» байрамга бағишлаб, Оролбўйи болаларига бағишланган катта анжуман ўтказишга тайёриланаяпмиз. Режаларимиз кўп. Худо хоҳласа, заминимизда тинчлик барқарор бўлиб турса, ниятларимиз амалга ошади, деб ўйлайман.

Сўхбатдош
Муҳтарам ТУРНОЙ

БОШ РЕЖА АСОСИДА

Ўзбекистондаги электр алоқаси хўжалигини ва унинг келажакдаги йўналишларини белгилловчи «ақлий марказ» ташкил этиш гоёси узоқ вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Яқинда Алоқа вазир К. Раҳимов вазирлик қошида «Электр алоқаси хўжалигини қайта қуриш ва ривожлантириш Бош режасини ишлаб чиқувчи бошқарма ташкил этиш тўғрисида»ги буйруққа имзо чекди. Унда қайд қилинишича, вазирлик ва унинг корхоналари электр алоқаси хўжалигини ривожлантириш ва уни таъминлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинди, унинг равнақиға зарур маблағ ажратилиб, чет эл сармоёлари сарфланди. Бу биринчи навбатда халқаро телефон хизмати, радио телефон алоқаси, тижорат телевидениеси тизимини жорий этишдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда асқотмоқда.

Аммо электр алоқаси хўжалигини ривожлантириш ва таъминлаштириш борасидаги дастурни шакллантириш, маблағ билан таъминлаш масаласи ҳал этилганча йўқ. Айниқса, долзарб бўлиб турган маҳаллий телефон тармогини ривожлантириш талаб даражасида эмас.

Бир қатор чет эл алоқа корхоналари ва фирмалари билан олиб борилган музокараларда кун тартибига электр алоқаси хўжалигини ривожлантириш Бош режасини ишлаб чиқиш масаласи олға сурилди. Ана шу асосда олиб борилган ишлар кўрик асосда танланиб, уларнинг қайси бирига эътибор бериш аниқланган ҳолда хорижий ҳамкорлар белгиланади. Бу билан вазирлиқнинг қайта

қуриш борасидаги техникавий сиёсати аниқланади ва уни бир маромда олиб боришга имкон туғилади.

Алоқа вазирининг буйруғига биноан бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Шу асосда вазирлик қошида тузилган махсус бошқармага жумҳуриятда электр алоқаси хўжалигини қайта қуриш ва ривожлантириш Бош режасини ишлаб чиқишда чет эл мутахассислари ва фирмаларини жалб этиш вазифаси топширилди. Мазкур бошқармага раҳбарлик қилиш Алоқа вазирининг ўринбосари В. А. Кравченко зиммасига юкланди. Бошқарманинг ишини янада жонлантириш мақсадида бир қатор тажрибали мутахассислар уч-ой муҳлатга жалб этилди. Улар орасида Ўзбекистон Давлат алоқа лойиҳа институтининг директори А. Ҳ. Иноятлов, «Ўзбектелеком» концернининг бош мутахассиси Ф. М. Мирсолтқова, «Эфир» кичик корхонасининг бош муҳандиси В. М. Пинчуков, жумҳурият ойнаи жаҳон ва овозингор эшиттиришлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория бошлиғи Г. Қўшоқов, Халқаро электр алоқаси маркази бошлиғининг ўринбосари С. Бойдадаева, Тошкент телеграф-телефон станциясининг бош муҳандиси М. А. Холмуродова, Халқаро ҳисоблар ва шартномалар марказининг бўлим бошлиғи Э. Б. Броштейн ва бошқалар бор.

Белгиланган режа асосида бошқарма ўз вазифаларини бажаришга киришди. Орадан уч ой ўтгач, дастлабки бажарилган ишлар натижаси маълум бўлади.

А. КУДИНОВ

ҲУРМАТГА САЗОВОР

Хусан Толибжоновни ҳаммаслаб ўз ишнинг устаси сифатида ҳурмат қилишди. Мана, 35 йилдирки, Хусан аканинг тақдир алоқачилик касби билан чамбарчас боғланган. Утган йиллар мобайнида у қаерда ва қайси вазифада хизмат қилмасин, садоқат билан меҳнат қилди.

Унинг Сурхондарё вилояти алоқа боғланмаларидаги фаолияти, айниқса, мақтовга лойиқдир. Йигитлик ғайрати жўш уриб турган бир чоғда Ҳ. Толибжонов янги алоқа йўналишларини ишга туширишда, фойдаланишга яроқсиз техника воситаларини тазминлашда фаол иштирок этиб, малакали мутахассис эканлигини кўрсатди.

1964 йилдан бери Ҳ. Толибжонов алоқа тармогини лойиҳалашда бевосита иштирок этиб келмоқда. Шу йиллар давомида унинг лойиҳаси асосида Мирзачўлдаги янги хўжаликларда алоқа хизмати йўлга қўйилди. Урта Осий темир йўлини электрлаштиришдаги алоқа тизимини ишга туширишда унинг хизмати каттадир. Аини кунларда у

Ўзбекистон Алоқа вазирлиғи Давлат алоқа лойиҳалаш институтининг 5-бўлими бош технологи вазифасини сидқиқидан бажариб, замонавий иншоотлар лойиҳаси устида бош қўришмоқда.

— Бор билим ва кучимни мустақил жумҳуриятимиз равнақиға сарфлашни ўзимга катта бахт деб билман, — дейди «Алоқа устаси» нишонни совриндори Ҳ. Толибжонов. — Шу боис ўз вазифамни сидқиқидан адо этишга интиланман. Келгусида Ўзбекистондаги алоқа тизими жаҳон талабларига тўла жавоб бера олишига эришмоқ лозим.

Жамоат ишида фаол бўлган Хусан ака сарфай қондоғига ҳам бош-қош. Унинг умр йўлдоши Муҳаддас опа Жумҳурият муаллимлар билим юртининг ўқитувчиси, Тошкент шаҳар кенгаши ноиб, катта ўғли Эҳсон политехника институтида, кичини Раҳимжон электр алоқаси институтида, қизи Маликашона 2-давлат тиббиёт институтида таҳсил олишмоқда.

Муалло ТўЛАГАНОВА

Эркин фикр

Тарихда ҳар қандай жамиятнинг аҳволи оилавий турмушга боғлиқ бўлиб келган. Шу сабабли барча таълимотлар оилани муҳташамлаш орқали ўз маънавиятини қарор топтирган. Фақат социализм даврига келиб оилга бўлган муносабатлар ўзгара бошлади. Оиладagi гоаят мураккаб муаммолар бир чеккага суриб қўйилди, сунъий равишда «Шуро оиласи» деган турмуш кўриниши ва унинг баландпарвоз сурати чизилди, унга ҳамду-санолар ўқилди. Ва бунинг натижаси ўлароқ оиладagi муаммолар, эрхотин ўртасидаги шахсий муносабатлар партия, касба уюшмаси, комсомол мажлисларида муҳокама этила бошлади. Қарорлар, «муносабатлар яхшила син!» деган мажбурий буйруқлар чиқарила бошланди. Оқибатда оддий, инсоний ҳис-туйғулар бюрократик йўллarga солинди. Формал яшайдиган эрхотинлар сони ошиб борди ва жамиятда кўполлик, иншонсизлик асосига қурилган оилалар вужудга келди.

Тўғри, оғир ва мураккаб шароитларда ҳам оилаларнинг катта нисми ўзининг мўъжизалигини сақлаб қолди. Лекин оила фақат ўзи бахтли бўла олмайди. Жамият тарихий тараққиёти исботлади, танхў оила ҳаёти, қанчалик моддий таъминланганлигидан қатъий назар, қашшоқликдан иборат бўлиб қола беради. Шу сабабли ота-боболаримиз оилани ҳеч қачон эскирмайдиган ва ҳамма қийинчиликларга, тўсиқларга бардош бера оладиган даражада ақл-идроқ асосида шакллантирган эди.

Афсуски, биз аждодларимизнинг бу олийжаноб хизматларини ёлдан чиқардик. Оилада аёл ва эркакнинг ҳуқуқи тенглигини таъминлаш деган широний давлат сиёсати даражасига кўтариб, оиланинг миллий руҳиятига, қадим анъаналаримизга, имон-эътиқод асосида қурилган турмуш тарғизимизга, унинг илдиригига болта урдик. Натижада кўша қариган нуруний ота-оналаримиз, фарштали оналаримиз сони борган сари камайиб борди.

Олимларнинг кўп йиллик кузатишлари, ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қайси давлат, хукумат оила дастурини амалга оширса, шу мамлакатда истиқомат қилаётган эрхотин ўртасидаги муносабатлар қарилкининг олдини оладиган бўлади. Ҳозир японлар ўрта ҳисобда 80 ёш атрофида умр кўришмоқда. Бунинг асосий сабаби эрхотиннинг ўзаро ҳурматидадир.

Собиқ СССР фуқаролари ўртача умр кечиршида дунёда 55-ўринни эгаллаб турибди. Ўзбеклар эса 60 ёш атрофидадир. Албатта, бунинг сабаблари зўрма-зўракичи-

лик асосида шакллантирилган оилалардаги жанжаллар, асабузарлик, аёлларимизнинг оғир меҳнатдан боши чиқмаслиги натижасида келиб чиққан турли касалликларнинг оқибатлари билан боғлиқдир.

Педагоглар аллақачон кузатиб, таъкидлашган: **оилавий тарғиботнинг ташқи кўриниши — ўзбошимчилик билан иш тутиш ҳам, га-заб ҳам, бақиряқ-чақиряқ ҳам, илтижо ҳам, ялғиниб-ёлворинлар ҳам эмас, балки осойишталик, жиддийлик ва ишбилармонлик**

ятнинг тепасида турган зотлар иқтисодий, маънавий, маданий соҳалардаги эҳтиёжларини қондирадиган хизматларни ташкил қилиши зарур.

Ҳозир Америка Қўшма Штатларида олтига ҳар хил дастур асосида давлатнинг оила тўғрисидаги сиёсати амалга оширилади. Болалар боғчасидан тортиб университетга қадар оила рўзгордаги муносабатлар дарс сифатида ўтилади. Хатто ота-оналар учун махсус дарсликлар чиқарилади. Ҳар йили АҚШ-

ОИЛАМИЗ ЗАМИРИ МУСТАҲКАММИ?

билан қилинган топшириқдан иборат бўлмоғи керак. Болаликка катта ҳурмат билан қарамоқ лозим. Шундагина у ҳақиқий мактабни ўтаган бўлади.

Эрхотин ўртасидаги жанжаллар болага таъсир этмасдан қолмайди. Эътибор берсангиз, болаларнинг тафаккури заминда ота-онанинг тафаккури ётади.

Ҳозирги вақтда биз катталарнинг раҳбарларнинг фаолиятида қўрқитиш ҳал қилувчи восита бўлиб қолган. Минг афсуски, ишдаги муомала маданияти оилавий муносабатларга кўчмоқда. Шунга ўшаган муаммолар кун сайин ортиб бормоқда. Натижа кузатувчан, зийрак кишиларга равшан. Парчаланаётган оилалар туйфайли тририк етимлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Оиладagi тарбия мазмуни қашшоқлашмоқда. Бағри тошлар, ҳалол-ҳаромни фарқиға бормай қолганлар анчагина.

Оиладagi муомала, ўзаро ҳурмат, хатто ота-онанинг бир-бирига муҳаббат ижтимоий таъриб ҳисобланади. Шу маънода президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида ушбуларни таъкидлаганда ҳақ эди: «Оила турмуш ва виждон қонуни асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократия негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади». Булар ўз-ўзидан, бетартиб равишда шаклланиб қолмайди. Уларни шакллантиришга илмий асосланган кўмак керак. Ҳар бир даврнинг ўз эҳтиёжлари бўлади. Аслида, ҳоқими-

нинг олий ўқув юрларида оила ва унинг муаммолари билан шуғулланадиган мингдан ортққ ўқитувчилар тайёрланади. Бу мутахассислар оилга руҳий хизмат кўрсатади. Эрхотинга мутаносибликни ташкил этишдан тортиб, оилага қандай қилиб мустақил фарзанд ўстириш керак деган ўта долзарб масала билан шуғулланади ва юз минглаб оилани парчала-нишдан сақлаб қолади, жанжалларнинг олдини олади. Ростини айтганда, Америка Қўшма Штатларидаги кўт-бараканинг асосида оила муносабатларини оини илиқлиги ҳам ётади.

Бизда ҳам оила соҳасида турли хизматлар ташкил қилиш мумкинми? Сўзсиз, мумкин. Бизда буюк таъриб бор, гапга қўлоқ соладиган, маслаҳатга қўна-диган халқимиз бор. Лекин бизда оила хизмати ташкил этилмаган, буни афсус билан айтишга мажбуримиз, негаки Ўзбекистонда оила, оила муносабатлари билан махсус шуғулланадиган на марказ, на институт бор!

Биз ўз маблагимиз, ўз ташаббусимиз билан оила муаммолари билан шуғул-ландик. Фан тавсиясига, мутахассис маслаҳатига муҳтожлар жуда кўп. Ахир, оиланинг тинчлиги — мустақил Ўзбекистонимиз тинчлиги, жамиятимиз фаровонлиги-ку. Шунинг учун ҳам биз яхши ният билан иш бошладик. Мақсадимиз — мустақил жумҳуриятимиз — халқимиз оиласининг бахтли, мустаҳкам бўлишига бҳқоли қудрат кўмаклашим!

Сафар УТАНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи,
«Одобнома» кафедрасининг мудир

БАХТИЁРЛИК БАҒИШЛАЙДИ

Руминияда Янги йилни 1 январда байрам қилишади. Янги йил байрамида меҳмонлар дастурхонига махсус тайёрланган варақилар тортилади. Одатга кўра, варақилар ичига тапга, узук, чиннидан ишланган нитти қўғирчоқ ва қалампир солиб пиширилади. Меҳмонлар варақини еб, ўз «бахт» ва «истақбол»ларини синайди. Меҳмон қизга узук чиқиши унинг шу йилда турмушга чиқишидан, аёлга қўғирчоқ чиқиши унинг фарзанд кўришидан далолат беради; тапга чиққан

кишига бахт ёр бўлади, деб айтадилар. Варақидан қалампир чиқиши шўр пешоналик белгиси эмас.

Қадимий удумга кўра, 14 январда (эски ҳисоб бўйича Янги йил шу кунга тўғри келади) қишлоқ ёшлари орасида «пругушоула» деб аталувчи маросим ўтказилади. Ёшлар тўрт ҳўкзи қўшилган омов билан қишлоқ айланиб чиқадилар. Ҳўкзилар арча шоҳлари, ранг-баранг ленталар билан безатилади. Ингитлар янги йилдаги қишлоқ хўжалик ишлари ҳақида ваъзхонлик қиладилар.

КАБИСА ЙИЛИ

Кабиса йилида февраль ойига 1 кун қўшилиб, 29 кун ҳисобланади. Йилларни кўрсатувчи рақам 4 га қолдиқсиз бўлиса ка-биса йили бўлади. Масалан, 1972 йилни олайлик, 4 га қолдиқсиз бўлинади. Де-мак у кабиса йили бўлган. 1973, 1974, 1975 рақамлари бўлинмайди, демак улар оддий йил, 1976

эса 4 га қолдиқсиз бўлинади, демак кабиса йили бўлади. Бундан ташқари, охири иккита ноль билан тугайдиган йиллардан (масалан, 1600, 1700, 1900 ва ҳоказо) 400 қолдиқсиз бўлинганлари кабиса йили бўлади. Масалан, 1600 бўлинади, 1700, 1900 эса бўлинмайди.

Журналистлик—хавфли касб

1992 йил мобайнида ер юзининг турли мамлакатларида иш қўрувчи 82 нафар журналист ҳалок бўлган. «Фридон хаус» хуsusий қидирув ташкилоти олиб борган кузатишлар натижаси ана шундай аялчи бўлиб чиқди.

Маълумки, Югославияда қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Уни текаорилда ёритишга ҳаракат қилган 27 нафар оммавий ахборот воситаси ходими хавфли сафарга ўллаган таҳририятга қайтиб келмади. 12 нафар журналист Туркияда, 10 нафар матбуот, радио ва ойна жажон мухбири эса Перуда бевақт оламдан кўз юмган. 53 нафар журналист бевосита хизмат вази-фасини бажариб турган пай-тида бадалликни бажо кел-

тирган.

Шу сабабли борган сари ер юзида журналистлик энг хавфли касблардан бирита айланиб қолмоқда. Мухбирларнинг касбий хатти-ҳаракатини монелик қилиш, хизмат вазифасини бажаришига йўл қўймаслик ҳоллари бот-бот содир бўлаётди. Йилнинг ўтган даврида турли мамлакатларда ишловчи 196 нафар мухбир қўзғолончилар, партизанлар томони-дан қалталанган, 59 нафар матбуот ходими ярадор бўлган. 69 нафар қалампирга хат орқали ёки телефонда дуқ-пўнса қилинди. 88 нафар сураткашдан иш қуроли тортиб олинди. Умуман, йил мобайнида жаҳондаги 82 газета, журнал ва радиостанция фаолияти ман этил-



Табриклайман...

Сураткаш А. ТўРАЕВ

КИМ ҚАНЧА ГАЗЕТА ЎҚИЙДИ?

Бугунги кунда ер юзида ҳар кун 9100 та катта ҳажмдаги газета 530 миллион нусхада чоп этилмоқда. Кейинги 20 йил мобайнида саноят ўта тараққий этган мамлакатларга нисбатан энди ривожланаётган давлатларда чиқаятган газеталарнинг умумий нусхаси қарийб 5 баробар кўпайди. 1988 йили Осие қитъасининг араблар яшамайдиган қисмида кундалик матбуот нашрининг қарийб 37

фонзи чоп этилган. Шу йил биргина Ҳиндистоннинг ўзида ҳар кун 2200 номдаги газета тарқатилган. Бу эса Америка Қўшма Штатларида қараганда, 560 та кўдир. Аммо шунга қарамай, Африкада 1988 йили ҳар 80 кишига фақат бир нусха газета тўғри келган. Ваҳоланки, Оврупода ҳар уч кишидан бири кунлик матбуотни доимий олади.

Ғарбий Сахара (араб давлатлари ҳудудига кирадиган

қисми), Франциянинг Илоҳий Пьер ороли, Миквелон (Шимоллий Америка), Шимоллий Тиморе (Осеёнинг араблар яшамайдиган бир қисми) ва Науру (Океания)да газета, умуман, чоп этилмайди. 1988 йили Шимоллий Америка аҳолисининг ҳар бири йилига ўртача 53 килограмм газетани ўқинишга улгурган бўлса, Африка қитъасининг ўрта қисми ва айрим араб мамлакатларидаги аҳоли бор-йўзи 1 килограмм оғирликдаги кундалик нашрни кўздан кечиришган, холос.

● НОДИРА ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 НИЛИГИГА

«ЖУДО ҚИЛДИНГ...»

1792 йили Андижон шаҳрида Нодира, Макинуна, Комила тахаллусларида ўтти газаллар битган Моҳлар оғим дунёга келди. Шoirанинг болалик чоғи гузал табиат кучоғида, дилкаш одамлар орасида кечди: У Ҳафиза отиндан илм сирларини ўрганди. Улғайгач, Моҳлар ойимни Ҳўқонд (ҳозирги Қўқон) хони Муҳаммад Умар Бақодирхонга турмушга бердилар. Унинг шеърят бўстониға кириб келиши шундан сўнг бошланди. Кейинроқ у шундай деб ёзганди: «На кўнгулмда фироқ андуҳидин ғам ва жонимда дардинин алам эрди ва жамоли шамъидин кўзларим равшан ва кўнгулм баҳраманду хурсанд эди».

Нозиктаб шоир бўлган Муҳаммад Умар Бақодирхон ўзининг жуфтн ҳалони Нодиранинг қалбиде шеърятта меҳр уйғотди, илоҳийёт синаотларидан дарс ўтти. Комил инсон қалби бир кўзгү набулдурким, унга боқсанг ўзини кўрурсан, демиллар орифлар. Нодира ҳам Муҳаммад Умархон қалбиде илоҳ тажаллий этган ўз руҳини кўрди, «латойиф шоир табиатлари комига шеър маозни голиб ва аштор рабғатига кўнгуллари роғиб» бўлган Умархондан назмий мисралар тўзмоқини ўрганди. «Ҳазрат баъзи нуқсонларига ислоҳ қилиб мавзун ва муросса қилур эрдилар. То андан фурсатда аштор қондаларига мувонасат пайдо қилдим, то назм фунуниға моҳир ва мазмун сеҳрида соҳир бўлдим», «бир кун савол қилдиларки, мисра? — Неге ароби хирад аҳли жунудин ори бор?»

Жавоб айдики, мисра? — Ким бўлар урэн, аларнинг жуббаи дастори бор». Шу тарихи кунлар кечаверди. Шоира қалби маърифатдан ва латойиф шеърини суҳбатлардан нурафшон бўлиб борди. Ул ҳуши дамлар эрди. «Муңдоғ латойиф ва назокатлар бирла рўзгори давлат ва сал-

танат куш кечар эрди». «Баноғоҳ қазову қадар тақозосидин» «базму ишрат суруди мотам наўҳасига бадал бўлди». Амир Умархоннинг бевақт вафоти Нодираға беҳад оғир мусибат келтирди. Чексиз ранж ва айрилиққа йўғрилган мисралар бунёдга келди.

Сабру қарор кетди ман зори бенаводин.
Андуҳ бирла қолдим Сайид Умар ғамида.

Ҳижрон азобида ёзилган газаллар... Уларни ўқир экансиз, инсон қалби наҳот шунча дарду аламға бардошли бўлса, деб ўйлайсиз. Бунчалик чидаб бўлмас даражада маҳзун оҳанглари унинг қалби қандай сиғирди экан? Яна шоира ўзининг янги девонига ёзган дебочасига мурожаат қиламиз. «Гоҳо хаёли бирла кўнгул изтиробига тасалли бердим ва гоҳи ёдин қилиб дил аҳволини инқилобига ором ва таскин эткурдим». Моҳлар ойим фироқ дардини енгиш учун халққа хайру аҳсон қилиб, Умархонни дуо қилишларини сўрайди. Ўзининг барча эзгу ишларини тан маҳрамнинг руҳи пенига бағишлайди, масжид, мадрасалар, маърифат масканлари бунёд этади, дин ва миллат камолини ўйлайди. Эзгу ишлар бе-самар кетмайди, халқ маънавияти эътибор даражаси юксалади. Бироқ яна соғин... «Ва ҳар гоҳки фироқ шиддати галаба қилур эрди марсия ва фироқнома хаёл қилиб, мазмунинда дилхарош газаллар иншо қилур эрдим. Ва кўнгул иштиёқиға анинг бирла таскин берур эрдим».

Нодира тасавурида «олам бевафо ва бесабот. Дунё бебаҳо ва нопойдур». Бу олам кимларни бунёд этиб; кимларни яқсон этмайди. Шу боис ўткнчи даҳр бирла овора бўлмоқ ноноғиз, муҳаббат бор. Унга ўзани бахш этмоқ лозим.

На гул сайр айла,
на фикри баҳор.
Жаҳондин кеч,
хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатенз киши одам эмасдур.

Гар одамсан — муҳаббат ихтиёр эт.

Ёрга садоқат, илоҳға муҳаббат инсонни юксакка кўтареди. Зеро, сўфийликдан мурод — оламдан мақсад — одам, одамдан мақсад — худо, худодан мақсад — чексиз камолот эканлигини англамоқ, шу йўлга қаноат бирла ўзани бахш этмоқдур.

Дардлинг кўнгулмдин,
эй гардун, халос этгил мени,
Е кўнгулни қил мени бесару сомондин халос.

Беҳад оғир қайғуга, ҳижрон доғига тўла қалбдан қандай қутулмоқ лозим? Е қалбини инсондан қандай озод этмоқ мумкин? «Сенға ўзингдан бошқа ким ҳам йўл кўрсатар?» дейди адиб Собир Термизий.

Ошиқ ўлдур, ғам гирбонимдан олди, Комила
Ичмадим то соғари май,
бўлмадим ондин халос?
— дейди шоира ўз саволиға жавоб бериб.

«Беҳад оғир ранж ва машаққатлар буюк кишиларни бунёдга келтиради ва келтиравереди» (Меҳр-доғ Меҳрин). «Баноғоҳ қазову қадар тақозосидин хуш қулмоғига «Иржин валия раббика» (Оят: раббинг ҳузурига қайт) нидоси этди. Ул дамни бу нидоси эшитти руҳ тўтиси қурбат шакаристони фазосига тайрон қилди».

... Сўнгра дилхарош газаллар бунёдга келдики, ҳанузки мозий қағридан бир ўтли фарёдлар эшитилиб туради:

Мени эй, чархи кажрофтор,
ёримдин жудо қилдинг,
Ҳазондур боғи айшим,
навбахоримдин жудо қилдинг.

Чароғи нури бахши
рўзгоримдин жудо қилдинг,
Нигори сарв қомат
гулузоримдин жудо қилдинг.

Таним хоки раҳ ўлди,
шаҳсуворимдин жудо қилдинг.

Ю. РАСУЛ



Шиддат

Суратқаш Р. ШАРИПОВ

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Биз яқин кишиларимиз ва танишларимиз рўпара келганда «Ассалому алайкум!» ибораси билан ўзаро ҳол-аҳвол сўрашамиз. Аслида «ас-салом алайкум» шаклида, «ас» ажратилиб ёзилиши керак.

«Салом» арабча «салима» сўздан олинган бўлиб, «саломатлик, тинчлик, халос бўлиш, наҳот топиш» каби бир қанча маъноларни билдиради. «Ас-салом» сўзи эса «мутлақ камолатли, бекамму кўст» маъносига ҳам ишлатилади.

«Салом» сўзи «жаннат» маъносини ҳам англатган.

«Салом» сўзи мадҳия (гимн) маъносига ҳам эга: Ас-салом ал-Мисриййу — Миср миллий гимни. Пайғамбарларни эслаганда араблар, албатта, «алайҳиссалом» (унга тинчлик бўлсин!) сўзини қўшиб айтишади. Араблар бир-бирларига хат

ёзганда мактуб охирида «вассалом» сўзини илова қилдилар. Бу «сўз тугади», «гап тамом» маъносига эга.

«Алайкум» сўзи ҳам икки қисмдан иборат. Биринчиси, арабча «ала» кўмакчиси, яъни олд қўшимчаси бўлиб, ўзбек тилидаги «га» қўшимчасига тўғри келади. Масалан, «сизга», «устига», «олдинга», «ёнига» каби сўзлардаги «га» маъноларида қўлланилади. «Ассалому алайкум»нинг иккинчи қисми «кум» эса иккинчи шахс кўплик эгали қўшимчаси «сизни» билдиради, «алайкум» — «сизга» демекдир.

Шунлай қилиб, «Ассалому алайкум» сўзи «сизга саломатлик бўлсин, тинчлик ва осоийшталик бўлсин!» маъносига ишлатиб келинмоқда.

А. АЛИЕВ
тайёрлаган



БУ ҚИЗИҚ!

Непалда ғалати бир одат ҳалигача сақланади: қиз болалар 8—10 ёшда... дарахта никоҳланади. Бунинг сабаби қатъий бир диний қонда билан боғлиқ. Кўп асрлар муқаддам маҳаллий аҳоли орасида эркак зоти оламдан ўтса, тирик хотини билан қўшиб ёқиб юборилган. Бу даҳшатли ҳодиса энди ҳеч кимни безовта қилмайди. Мабодо эри ўладиган бўлса ҳам хотинни ёқинга фатво берилмайди. Чунки «бева»нинг яна бир эри, яъни дарахт-эр ҳали ҳаёт — яшнаб турибди-да.

МЕХНАТ ҚИЛСАНГ РОҲАТ ТОПАСАН

Россия Федерацияси Президентини Борис Елциннинг фармони билан ватан ва дунё санъатига қўшган улкан ҳиссаси учун рус санъатининг тўртта йиряк арбобига энг кам ўртача иш ҳақидан ўн баробар кўп миқдорда ишнинг нафақа тайинланди. Улар орасида Иван Козловский, Борис Покровский, Святослав Рихтер, Галина Улановалар бор.

МАОШ — МИЛЛИОН СЎМ

«Башқортостан» газетасининг хабар беришига қараганда, «Восток» тижорат банки Бошқирдистоннинг яқинда истефого жаътилган бош вазири Марат Мирғазамовни бир миллион сўмлик моyna билан ишга тақлиф қилган.

БҮЙДОҚЛАР КҮПАЙМОҚДА

Сўққабот эркаклар муаммоси бутунги кунда асосий масалаға айланиб қолмоқда, деб ёзади «Неделя» ҳафтаномаси. Ҳар йили собиқ иттифоқда бўйдоқлар сағфи ортб бораётир. Ўтган йилги маълумотларга қараганда, Россиянинг ўзиде 30 ёшдан ошган 1.648.859 киши онла қурмаган. Бунинг ижтимоий сабаблари нимада? Ушбу савол билан мурожаат қилинганда кўпчилик шундай деб жавоб берган: «Уйлангани ҳоҳламаймиз!» Ортиқча даҳма-шанинг нима кераги бор? Шундоқ ҳам ҳаётим кўнгулдагидек ўтб турибди-ку!»



МИНГ БИР КЕЧА ҲИКМАТЛАРИ

Ҳар бир юмалоқ нарса ёнғоқ бўлмайди.

Ҳар бир қўнчқоқ нарса қовун эмас, ҳар бир қизил нарса гўшт эмас. Ҳар бир оқ нарса ёр эмас, ҳар бир қизил сув май бўлмайди, ҳар бир ширин нарса хурмо бўлмайди.

Сочилган нутқ сўздир. Тизилган нутқ дурдир.

Ўз шаҳарларида амир бўлганлар мусофирликда мискин бўладилар. Модомки ваъдани бузиш мумкин экан, ҳар кимга ишона бериш оқилликдир.

Аҳмоқларгина меҳмоннинг ўрматидан юз ўғи радилар.

Елгон нафрат душманлик туғдиради.

Одамларнинг ишлари тўртта бўлинади: ҳукмдорлик, савдогарлик, деҳқончилик, ҳунармандлик.

Дин билан шоҳ — иккиси эгина.

Дин — ҳазина, давлат — қўриқчи. Шарият ва ақл мазлумларни золим зулмидан сақловчи, кучлилардан кучсизларни ҳимоя қилувчи, жиноятчиларни таянбеловчи ҳукмдор та-

йинлашлари зарурлигини ўргатади.

Агар икки тоифа одамлар — олимлар билан амирлар тўғри бўлсалар, одамлар ҳам тўғри, агар улар бузуқ бўлсалар, одамлар ҳам бузуқ бўлади.

Донолар: «Шоҳ кўпчиликка муҳтож, лекин кўпчилик бир кишига муҳтож эмас», деганлар.

Ақлдан ортиқроқ бойлик йўқдир. Олдиндан қўриш, ўйлаб иш қилиш ақл нишонаси.

Одиллик ҳар ишда ҳам зарурдир.

Бош соғ бўлса, тана ҳам соғ бўлади.

Елгончилар кишига дўст бўлолмайдилар. Дўстинг дили ойнадир. Сингач, яна ямаш мумкин эмасдир.

Уч нарса уч ердагина билинади: чидамлилик — бошға кулфат тушганда, битирлик курашда, дўстлик унга ҳожат тушганда.

Инсондаги энг танг қоларли нарса дилдир. Чунки ишнинг янлови

дилдадир. Дилда очқўзлик галаба қилса, кишини орзуғу ҳавас ўлдиреди, уни ғам эгалласа, албатта, кишини шу алам ҳалок қилди. Унда ғазаб ортса, кишини ранжу меҳнат қоплайди. Дилда қаноат бўлса, ундай дилли киши қийинчиликлардан озод бўлади. Дилни хавф босғудек бўлса, кишини қайғу азоблайди. Дилға мусибат тушса, кишига ғам-алам ҳужум қилади.

Севгучилар доим шубҳага, гумонга учраган одамлардир.

Ҳар бир ишда сабр энг удуғ ишдир.

Одам йўқ бўлса, чидайди, бор бўлса, кўзи тўймайди.

Хотин то эридан жудо бўлмагунча унинг қадрини билмас экан.

Ошиқ нима иш қилса, у маломат қилинмайди.

Олов, нур, соя ва иссиқ ҳам неъматдир.

Ғам, хафалик кишини беморлик тўшагига ётқизади.

Бўлдош АБЛОХОН
тайёрлаган

Ёзувчи Дадахон Нурийнинг номи муштарийларга яхши таниш. Унинг долзарб мавзуларда ёзган кўплаб мақолалари, ҳикоя ва қиссалари китобхонлар назарига тушган. Айниқса, адабийнинг табиат муҳофазаси борасидаги жонқуярлиги, савоб ишлари диққатга сазовордир.

Ингит кишига етмиш ҳунар оз, дейишади. Мусиқа ва тасвирий санъатдан дурустгина хабардор бўлган Дадахон ақанинг аслида шарқшунос эканлигини кўпчилик билмас керак. У шарқ халқларининг тарихи, урф-одатлари, тили-ю, дилини яхши билади. Шарқнинг таъриқли давлат ва маданият арбоблари билан яқиндан мулоқотда бўлиб келади. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик қилиш учун янада қулай имкониятлар туғилди.

Д. Нурийнинг «Бегона» қиссаси бир вақтлар Абдулла Қаҳқордай талабчан устознинг ижобий баҳосини олганди. Ана шу асар асосида ёзилган киносценарий бўйича ўзбекистонлик ва покистонлик ижодкорлар ўзаро ҳамкорликда янги фильмни суратга олиш тарафдорида. Муҳбиримиз Д. Нурийдан шу ҳақда гапириб беришни илтимос қилди.

«ТОЖМАҲАЛДАГИ СЕВГИ»

— Дадахон ака! Мустабид тузумнинг исканжаси, темир қонуларни зугумида яшаган йилларда ҳам қўшни шарқ халқлари ҳаммаша бир-бирига интилиб, интиқ-интизор бўлиб келишган, шундай эмасми?

— Худди шундай. Покистонда Ўзбекистонга, ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий юртга қизиқиб жуда катта. Ғаниларимизнинг ислом фундаментализми ҳақидаги сафсаталари ёлғондир. Мен бунга Покистонга борганимда яна бир қарра ишон-

дим. У ерда аёллар анча эркин, бемалол кўчалардаги машиналарни бошқариб юришибди. Компьютерларда иш-лашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида гап кетганда покистонлик таниқли шоир ва публицист Муҳаммад Ихроқ ул Ҳин жанобларининг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Агар болани гўдаклигида онасидан ажратган бўлсалар ва улар йиллар ўтиб бир-бирларини топиб олсалар қанчалар қувонч, ҳаяжонга тушадилар. Ўзбекистон билан

Покистон халқлари ҳам ана шундай — бундан етмиш беш йил муқаддам бир-бирларидан зўрлик билан ажратиб ташланган онаю болага ўхшар эдилар. Ҳозирги кунда икки мусулмон миллат қайта топилганимиздан хурсандчилигимиз беқиёс.

— Энди, бевосита фильм ҳақида гаплашсак.

— Покистонлик адиб, шоир Муҳаммад Аббосхон билан ҳамкорликда каминанинг «Бегона» қиссаси асосида, ўзбек ва урду тилида сценарий ёздиқ. Мулкалимишча, «Тожмаҳалдаги сеvgи» деб номланган бу фильм рангли, янги серияда бўлади.

— Ижодий ҳамкорлик мақса-

тонлик кино арбоблари, жумладан «Санд Ривий фильмс» кинокомпанияси ижодкорлари билан яқиндан танишдик. Кечқуруноқ улар биз билан ҳамкорликда фильм яратишга тайёр эканликларини билдиришди. Биз «Делакс фильмс» компаниясида Гаффор Данаваля жаноблари билан ҳамкорликда шу фильмни яратишга аҳд қилдик. Уларнинг имкониятлари катта экан. Харажатларнинг 70 фоизини кўтармоқчи бўлишди.

Ўзаро ҳамкорликнинг асосий ташаббускори «Табани» фирмасидир. Тошкентда бу фирманинг маданият маркази ҳам бор. Бутун харажатларни ана шу фирманинг бош директори, ҳурмагли Ёқуб Табани жаноблари ўз зиммасига олди. Бундан кейин ҳам ижодий гуруҳнинг борди-келди харажатлари учун ёрдамини аймайди.

Покистонлик киночиларнинг техник имкониятларини кўриб ҳайратланиқ, ҳавас қилдик. Бизда марказ — Москва орқали оворан сарсон бўлиб, оилаб, йиллаб зўрга ҳал қилинадиган ишларни улар оир неча соатда бажариб қўйишаркан.

— Фильм ижодкорларини таништирсангиз?

— Режиссёрлардан бири «Киноактёр» уюшмасининг аъзоси, Фарҳод Ҳайдар эканлиги беиз эмас. Уни Йигирма йилдан буён биламан. «Бегона» қиссасини зангори акрага олиб чиққанли бир вақтлар. Қиз (Баҳор) ролин машҳур покистонлик артистлардан бири ўйнаса, ингит ролин ўзбекистонлик артист ижро этади. Суратга олиш ҳар икки мамлакатда амалга оширилади.

— Фильмни суратга олиш жараёнида тил муаммоси қандай ҳал этилади?

— Менимча, бундай муаммо йўқ ҳисоби. Чунки ўзбек ва урду тиллари бир-бирига анча яқин. Урду (урда, яъни ҳарбий тил) тилини туркий, ҳинд, форс тиллари асосида буюк бобоклонимиз Бобур яратган эди.

— Маълумки, ҳар қандай бадий асар кино тилига кўчганда жиддий узғаришга учрайди, нимадир қўшилади, нимадир қўқолади. Заминида асосан интим масала ётган қисса экранга кўчганда, унинг иктымий маъно салмоғи қандай бўлади?

— Буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинган. Қисса ғоясини сақлаб қолган ҳолда, унинг маъно кўламини кенгайтиришга уриндик. Воқеаларнинг бир қисми бизда, қолган қисми Покистонда ўтади. Халқларимизнинг урф-одатлари, дини, ҳаёт тарзи бир-бирига ўхшаш бўлгани учун орада ҳеч қандай узлиш, гайритабиийлик сезилмайди.

Бу фильм Ўзбекистон ва Покистон киночилари ўртасидаги биринчи ҳамкорликдир. Умид қиламизки, бу ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги мулоқотларда янги ўқлар очади, ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

— Айтганингиз келсин, Янги йилда жамки зағу инятларингиз рўёбга чиқсин, омад ёр бўлсин.

— Ташаккур.

Ш. ОТАБЕК суҳбатлашди



СОЧМАЛАР

САВОЛЛАР

Яна бир йил кечди. Мен ундан нималар олдим? Менга нима берди бу йил? Қараиқ, мен қанчалар худбинман. Ҳеч ким айтмайди, ҳеч ким сўрамайди: «Сен кимсан, бу йилга нима даҳлинг бор?» деб. Ҳеч ким! Дарвоқе, нега? Мен нега адашиб юрибман? Қайда келиб, қайга кетаялман?

Яна азобли саволлар бошланади...

КУНИЛ КУЗИ

Қор ёғаётир... Олам оппоқ сукуват оғушида. Атроф кўзин қамаштирадиган даражада оқ. Бундай фурсатда нималар ҳақида ўйламоқ лозим? Ҳаёлга ҳар нарса келади, завуқ муҳаббат келади. Келади-ю бу қадар бегуборликни кўриб... яна қайтиб кетади. Қиш — бегубор фасл...

БУГУН

Энг охири нуқта — бугун. Қолгани фақат ўтиш... Мана шу нуқтадан нарёнда нима бор — билмайман. Афсуски, билмайман. Шу боис бор кучини бугунга ташлайман.

Бугун — халоскор. Эрта...

ПАРАДОКС

Шоирлар ёзишади: «Сен келмасанг тонг отмайди. Сен келмасанг кун ботмайди», деб. Мен айтаман: «Майли, келма, тонг отмасин, кун ботмасин. Майли, ёлғиз қолай. Бир муддат ўзимга қарай, безора кўнглим нима дейди, билай. Фақат келма...»

Ишонини тушуниб бўлмайди...

ДУНЕ

Нега чертасан? Нега бунча тиричасан? Ҳовлиқим. Сен дунё деб ўйлаганинг аслида тукум — ёрилиб кетини мумкин.

Р. ЮСУФ

ДАҲОЛАР СИЙМОСИ МАРКАЛАРДА

Шарқ фани ва маданиятининг улуг сиймолари номларини абадийлаштириш йўлида кўпгина хайриятдирлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Беруний, Хоразмий каби улуг алломаларнинг таваллуд байрамлари муносабати билан турли мамлакатларда ранг-баранг маркалар чиқарилади.

● Урта Осиёлик машҳур ривзиётчи, мунажжим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий расми туширилган дастлабки почта маркаси олим таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан эълон қилинган.

● Форс-тожик шеърятининг улуг намойиши Абу Абдулло Руданий таваллудининг 1100 йиллигига бағишлаб унинг расми акс этган марка босиб чиқарилади.

● «Ал-муаллим ас-со-

ний» («Иккинчи муаллим», Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастузи» номи билан машҳур Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробий сиймоси тасвирланган марка эса қомуви олимнинг жаҳон фанига қўшган улкан ҳиссасига бўлган эҳтиром сифатида ва таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилади.

● Улуг олим Мирзо Улуғбек ҳамда турк денгиз саркардаси Муҳиддин ибн Му-

ҳаммад Пирри Раис расмлари акс эттирилган иккинчи марка 1983 йили Туркия почта бошқармаси томонидан «Исон даҳоси яратган улуг ишлар» туркумида босиб чиқарилади.

● 1958 йили Шарқ шеърятининг буюк намойиши Саъдий Шерозий қаламига мансуб бўлган «Гулдистон» асари ёзилганга 700 йил тулиши муносабати билан эълон қилинган марка жойларда кенг тарқалди.

● Улуг шоирлар Ҳофиз Шерозий, Саид Насимий туғилган кунларга атаб маркалар чоп этилди.

● Буюк аллома Алишер Навоий ижоди ва у яшаган даврининг Афғонистонда ўрганилганга 10 йил тулиши муносабати билан 1983 йили Қобулда марка муомалага чиқарилади.

А. АЛИЕВ тайёрлаган

Хурматли муштарийларимизнинг хотирасида бўлса, газетамизнинг 1992 йил 31 июль сонисида Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ҳамда Ватан муҳаббати билан йўғрилган ажойиб шеърлари ила ўқувчиларимиз эътиборини қозонган ажойиб шоир Комил Абдулла Тошқин билан мухбиримизнинг суҳбати ва унинг шеърларидан намуналар эълон қилган эдик. Яқинда шоир Комил Абдулла афанди «Хабар»ни олиб, кўп хурсанд бўлганини баён этиб, бизга мактуб йўллабди. Биз қуйида у кишининг хати билан яна бир шеърини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

БИСМИЛЛОҲИР РОҲМАНИР РОҲИИМ
«Хабар» ҳафтаномасининг бош муҳаррири муҳтарам Шодмон Отабек афанди, муҳтарам таҳрир ҳайъати аъзолари, ассалому алайкум нараҳматуллоҳ.
Лутфан йўллаган «Хабар»ларингизни ўқидим, йўқлаганларингиз учун раҳмат.

Яхши хабар, албатта, ҳар кимнинг қалбига секинча ва саодат бағишлайди, айниқса эл-юртдан узоқларда қолгонлар учун алоҳида қиммат ва аҳамиятга эга.
Бир замонлар қайси маркалик радио Тошкентни яхши оладурган бўлса, шу маркани истаб топиб олар, ҳар куни соатларча ишларимиздан, уйқуларимиздан қилиб, Тошкент радио ёнларини тинглар, гоҳ йиғлаб, гоҳ кулар эдик. Шунча фироқ нима учун эди, биласизми?

Юртимиз овозини тинглаш учун.
Ақидамизга ҳилоф, ғоямизга бутунлай зид бўлган ташвиқотлар, «Пахтакорларимизнинг ютуқлари», «Меҳнаткашларимизнинг фаолликлари», «Олимларимизнинг муваффақиятлари», худлас партия раҳбарлигида аҳолининг қозон-чўминлари ёғ бўлиб кетганига доир қуруқ пропагандалар орасида биронта қўнғир ўргилсин миллий қуйларимиздан, мақомларимиздан эшитиб қоларимизми деган умид бор эди.
Мана энди муқаддас ғоя-

миз бўлган, кўп узоқ йиллар сабр-матонат билан кутган истиқлол машъали она юртимизни ёритмоққа бошлади. Ҳар кун илгарига қараб ташланган янги қадамлар, янги муваффақиятлардан башорат берувчи «Хабар»лар ўртага чиқмоқда. Халқимизнинг орзу-умидларини қондирмоқ учун куч-ғайрат сарф этмоқдалар.

Суюкли она тупроғимиз, жафокаш халқимизнинг порлоқ истиқболига хизмат этувчи ва миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳар қандай нашриёт органларини жон дилимиз билан қабул этамизки, дунёга янги кўз очган манзу-маларни ўз ичига олган бу «Хабар»ни ҳам эзгу ғоялар асосида яратилганига ишониб ардоқлаймиз ва табрик этамиз.

Мулоҳаза:

Муҳожиротдаги туркистонликлар орасида Кирил имлосини ўқиб биладиганлар оз топилаганини назарда тутув, агар имкониятлар топилса, араб имлоси билан ҳам чиқарилса, яна ҳам фойдалироқ, яна ҳам маъқулроқ бўлур эди деб ўйлаймиз.

Еш «Хабар»га бир камоли ҳусн ва бахтлиқ, узун умр тилаб қоламиз. Ва ассалому алайкум нараҳматуллоҳ.

КОМИЛ АБДУЛЛА
ТОШҚИН
Саудия Арабистони

«КҮК ТОЙИМ ДЕБ КИМНИ КЎРСАМ ЧАҚИРДИМ»

Халқимизда шундай бир мақол бор: «Алп — знадин, от — биядин». Дарҳақиқат, бежиз айтилмаган. Машҳур фольклоршунос олим Ҳодӣ Зариф ўғли от ҳақида ўзининг илмий фикрларини билдирган. Маълумки, дostonларимизда энг яхши наслик от «араби» от саналади. Олим бу атамага суяниб, наслик от араблардан олинган деган фикрга бориш тўғри бўлмас, дейди. Чунки «араби» деган атама кенг тарқалган бўлиб, бу фақат отнинг энг яхши наслигини аниқлаш, холос. Лекин, бунда араб отига нисбат берилмайди. Сўзимиз от хусусида борар экан, аввало бор шунга айтиш керакки, от деганда бизнинг кўз ўнгимизда чопқир, бўйи баланд, оёқлари узун, мускуллари келишган, бақувват, чиройли, катта кўз-ли, ёли ва куйруғи майин, хушсурат бир жонзот гавдаланади.

От кўпроқ халқ оғзаки ижоди бўлиши дostonларда таъриф этилади. Булар Гирот ёки Гиркўк, Мажнукўк, Темиркўк, Шабгиркўк, Жийронкўш, Кўкдўлан, Бўзулпор, Бойчибор, Чўнтоқ, Шапақ, Саман, Бўзтарлон, Тарлон ва ҳоказолар. Бундан ташқари, ўзбек фольклориде наслик от «тулпор» ҳам дейилади. Уларнинг кўпчилиги канотли бўлиб, афсонавий эртак ва дostonларда кўп-кўп учрайди. Канотли отлар тимсоллига биз Бойчибор ва Гиротни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Уларнинг оёқлари остида қанотлари яширин бўлиб, қанотини фақат от боқувчиси синчи дурбин орқали кўради.

Отларнинг номлари ҳам

бежиз қўйилмайди. Мана, масалан, Гиркўк — ранг ёки, Бўз — кўк маъносиде, Чўнтоқ — ёли ва думи қисқа, Шапақ — кўзи оқиз, Жийрон, Қора, Бўз, Саман, Тарлон — булар эса отнинг тусини билдиради. Темиркўк эса қора рангли от.

Бошқа халқлар сингари ўзбек халқи ҳаётининг отга чамбарчас боғлиқлиги бордир. Бугунги кунда асрлар давомида анъана сифатида давом этиб келаётган улоқ чопишлар, от пойгалари фикримизнинг аниқ далилидир. Бундан ташқари, от қадимдан халқнинг ор-номуси саналган. Одамлар ўз отлари билан фахрланганлар, отига суянганлар, оти бор уй обрўйли хонадонлардан ҳисобланган.

От дostonларда таъкидланганидек, вафо ва садоқат рамзи, одам одамга душман бўлган пайтда ҳам от ёрдам қўлини чўзади.

Бўтадек бўзлаб йнгларман,
Сийна бағримни тигларман,
Гўрўгли ўтдай туташди,
Етим тушдан адашди,
Инграбиб йўлларга тушди,
Неча сой-қирлардан ошди,
Тойим деб юраги тошди.

Дostonда Гўрўгли ҳаётини отсиз тасавуур қилолмайди. От унинг учун бир мазмун, ҳаётининг моҳияти. Шу сабаб Гўрўгли Гиркўкни «Вой хоназотгинам, зназотим» деб суюб, юраги ёрилгудай бўлиб: «У ёр-бу ёрдан ўлиб ётир».

Юқорида эслатганимиздек, фольклоршунос олим кўк сўзини отларга берилган ранг сифатида таърифлайди. Ваҳоланки, шарқда кўк сўзи фақат ранг, тусингана ифодаламайди. Кўк — фа-

«ХАБАР»ГА

МАКТУБ

ТОШҚИН

ОЛТИН БИЛАН ТЕМИР ОРАСИДА МУҲОВИРА

Олтин билан темир бир кун учрашиб қолди. Бир-бирини аҳвол сўраб хотирин олди. Асосатдин матонатдин хийла сўзлашди. Уларнинг яхши танитмоқчи қўлашди. Баён айлаб жамиятга хизматларини. Эл наздида топган қадру қийматларини. Шарҳ этишди бир-бирига тавозе билан. Алоқасин бурса билан масона билан. Бу суҳбатдин ҳар икisini мунсажим эди. Темир хушқуд кулар олтин мубтасим эди. Олтин деди: гарчи рангда ўхшаш эмасмиз, Сифатда ҳам, баҳода ҳам тенгдос эмасмиз. Дўстлиг учун бу фарқлар монев бўлмагай. Қўй майлига кимки бунга қонев бўлмагай. Аслимиз бир ер остидан чиққан маъданмиз, Инсоният хизматига яратилганмиз. Бир сўзим бор сўрай сендин дўстлик юзидин.

Жавоб бергил ранжимасдин

Одамизот сени қазиб чиқарса тоғдин,
Олиб келса зовудларга яқин-йироғдин.
Ўтлар билан, тоқлар билан эзиб эритса,
Қўлиб, чўзиб сендин турли ашъелар этса.
Ватаниндин жудо қилиб ҳар ёнга отса,
Манфаат деб чет элларга чиқарса, сотса,
Пасту-баланд биноларга тирқаклар ясаб,
Дарёлардин ўтиш учун кўрликлар ясаб,
Қаттиқлигинг учувдарми истиғлол этиб,

Ҳар шаклда қурол ясаб истеъмол этиб,
Ҳоҳишча қўллансаю тасаруф этса,
Ўрниди ё ўринсиз ҳар жойда сарф этса,
Барчасига чадамгир бор, эътирозинг йўқ.
Муҳаққажим бақонгир бор инқирозинг йўқ.
Шухрат тоқдинг қаттиқлигу матонат билан,
Саноатга ҳисса қўшдинг саҳоват билан,
Лекин нечун темирчилар уриб сўққанда,
Буюм ясаб қасди билан эғиб букқанда,
Балаид овоз билан додлаб фарёд этасан?
Булмак кимдин кимга шиква ишиод этасан?
Сўқилганга меннинг каби чидаб бўлмасми?
Тилин мендек фарёддин асраб бўлмасми?
«Дўстим, бас қил», деди темир,
сўзининг тўхтат.

Айтай сенга ҳасратимни, гарчи бу уят.
Чин юракдин менга дўстлик инҳор айладиң,
Ҳақимона сўзлар билан хуштор айладиң,
Сенинг билан танишганим учун мамнуиман.
Жозибала, порлоқ руҳсорингга мафтунман.
Раҳмат сенга нуқтадонлик қилганинг учун
Кўнгал бўлиб, меҳрибонлик қилганинг учун,
Менинг билан қоним гарчи ҳар турли инжоз,
Элга мендин манфаат кўп, аммо қадрим оз.
Фарёдининг сабаблари лекин бу эмас.
Сабрсизлик, чидамсизлик менга ҳу эмас,
Олат ясар ўз жинсимдин мени қазағина,
Ўзимдандир темирчининг сандон босқонин.



лакка берилган бир нисбат. Туркларда бу тангри маъносиде ҳам қўлланилган. Урхун-Энасий ёдгорликларидеги «кўк тангри» атамаси фикримиз далилидир. Кўпгина дostonларда, жумладан, «Гўрўгли» дostonида отнинг буюклик даражасига кўтарилгани бежиз эмасдир. Гўрўгли Гиркўкни йўқотиб, излаб юрганиде «Кўк тойим деб, кимни кўрсам чақирдим», — дейди. Бу — Мажнуннинг кўзига ҳамма Лайли мисол кўринишини эсга солади. Лайли — илоҳ сифати яширинган зот, дostonда рамзий маънода ишлатилган. Гиркўк ҳам шундай. У ҳам Гўрўглининг ақлу ҳушини уйғирлайди, қайга бормасини унга ҳамроҳ бўлади, зарур пайтда ёрдам бериб, меҳр, садоқат кўрсатади ва шу асно Гўрўгли ҳаётининг мазмунига айланаб кетади. Бу эса шарқ тасавуф таълимотига жуда мос тушади. Бу таълимотга кўра, ўзини англаган киши тангрини англайди, уни севади, бора-бора илоҳ муҳаббатини ўзининг ҳаёти мазмунига айлантиради.

Отнинг фольклорде қандай номланиши, ранг-туси, халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтдик. Ҳўш, оғ қадимда қандай вазифаларини бажарган, халқларнинг ўзаро алоқасиде қандай ўрни тутган? Бу эса алоҳида мавзу.

Саодат ПУЛКАНОВА,
ТошДД тоилбас

Ағза-гўшти ХУРЖУНИ



Бир бор экан, бир йўқ экан, иккита ёш танқидчи бор экан. Қувлардан бир кун иккала ёш танқидчи маслаҳатни бир жойга қўйиб, биттадан ов милтиғини елкага осиб, йўлга чиқишибди. Улар йўлда суҳбатлашиб кетибдилар.

— Айрим манбъаларнинг маълумотига қараганда, ҳозир чўлда қирғовул кўп эмиш, — деб гап бошлабди биринчи ёш танқидчи. — Уч-тўрттадини отиб олсак, бир ғубордан чиқиш имконияти ҳосил бўлар эди.

— Назаримда тўғри айтасан, — дебди иккинчи ёш танқидчи. — Тинимсиз ишлаш, ижод қилиш натижасида бошларимиз ёрилиш даражасига етди.

— Менимча сен объектив равишда сўзламаяпсан, — дебди биринчи ёш танқидчи. — Агар ташқи муҳитдан бирор зарба келиб тушмаса, бош ёрилиши мумкин эмас. Бу гапга ҳеч бир китобхон... Э, кечирасан, ҳеч бир киши ишонмайди.

— деб савол билан жавоб берибди биринчи ёш танқидчи.

— Овозидан шуноққина билиниб турибди-ку, — дебди иккинчи ёш танқидчи.

Биринчи ёш танқидчи шунда ҳам сайраётган қўшнинг булбул эканлигига шубҳа билан қарабди.

— Булбул деб айтишга, ўзимда куч сезмаяпман, — дебди у. — Радиодан бериладиган концертларда булбул бошқачароқ сайраб эди чамамда...

Иккинчи ёш танқидчи булбул сайраётган тарафга би-хтиёр тикилиб қолибди. Би-

— Ов қиламиз, дам оламиз. Лекин ҳар бир нарса ҳақида ўзимизнинг оригинал фикр-мулоҳазаларимизни ҳам айтаверамиз, — дебди биринчи ёш танқидчи.

— Дарвоқе, ўзимиз ҳам бир камчиликка йўл қўйибмиз, — дебди иккинчи ёш танқидчи. — Ахир биз чўлга чиқмоқчи эдик, гап билан овоза бўлиб боққа кириб қолдик-ку.

— Аввало, бу нарсани камчилик деб атамаса ҳам бўлади. Камчилик дейилганда ҳам ҳозир бу ҳақда гапиринининг мавруди эмас. Бошқа камчиликлар ҳақида гапла-

— Ушани отаман, — дебди биринчи ёш танқидчи.

— Булбулни ҳам отади-ларми? — дея ҳайрон бўлибди иккинчи ёш танқидчи.

— Ҳозиргача отмаган бўлишлари мумкин... Шунинг учун, булбулни отган одам оригинал иш қилган бўлади, — дебди биринчи ёш танқидчи. — Овозини эшитдик. Гўштини ҳам бир татиб кўрайлик-да...

Биринчи ёш танқидчи шу сўзларни айти туриб, ўнг бармоғини босиб юборибди. Уқ овози эшитилибди. Сайраб турган булбулнинг овози ўчибди. Беш-олти қадам нарига тўп этиб бир нарса тушибди. Иккинчи ёш танқидчи югуриб бориб, отилган булбулни олиб қайтибди.

— Ниҳоятда мерган экансан, — дебди у дўстига. — Қара, тумшугидан урибсан-а.

— Ураман деган нарсанин ураман-да, — деб қолибди биринчи ёш танқидчи. — Вой-бўй, бу булбул деганин мен ўйлагандан ҳам кичкина экан-ку...

Иккинчи ёш танқидчи индамабди.

Улар боғдаги ҳар хил қўшлардан яна уч-тўрттадини отибдилар-да, парранда гўшtidан наобод пиширибдилар. Биринчи ёш танқидчи ўзи отган булбулни алоҳида сихда пиширибди. Сўнгга тузини татиб кўриб, юзини бужмайтирибди.

— Булбулнинг гўшти ширин бўлмас экан, — дебди у дўстига.

— Чатоқ иш бўлди, — дебди иккинчи ёш танқидчи. — Аслида овозини эшитавериш керак эди.

— Шунинг биллиб қўйгани, мен булбулни отиш билан бир ангилганин кашф этдим. Энди бу боғни кашфийлар боғи, деб атайсак ҳам бўлади.

Иккинчи ёш танқидчи ўзининг руҳий дунёсига берилиб, индамай ўтираверибди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: ШУҳРАТ ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислои УСМОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ
Бобоҳон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ
Воҳид АЪЗАМОВ
Билал АМИНОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ

Самдмаҳмуд АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Сафар ОСТОНОВ
Ҳабиба ФАЙЗИЕВА

Ёқуббек ЯКВАЛХУЖАЕВ
Нуралӣ ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

Телефонлар: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

Индекс: 64800. ЖУМА ҚУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Муҳарририятга келган қўлбазмалар (2 оралнида, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариқмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, Лежонград кўчаси, 32.

Буюртма № Г—25, 15221 нусхада босилди.

Оқилжон ХУСАН

БУЛБУЛНИНГ ГЎШТИ

(Эртакнамо)

— Кечирасан, дўстим. Мен аслида ўзимизнинг чарчаганлигимизни бир оё муболага билан айтиб, алоҳида таъкидламоқчи эдим, — дебди иккинчи ёш танқидчи.

— Ҳар бир муболага ўзининг ишонтириш асосига эга бўлиши керак, — дебди биринчи ёш танқидчи. — Ана шунда сенин-ҳар бир фикр-мулоҳазанг кашфийт ҳисобланади...

Иккала ёш танқидчи қизин суҳбатга берилиб кетиб, ногаҳон бир боққа кириб қолишибди. Боғда турли-туман мевали ва манзарали дарактлар ўсиб турган эмиш. Дарактларнинг устида эса хилма-хил қўшлар учиб-қўниб юришар, баҳор нашъасидан маст бўлиб сайрашар эмиш.

— Булбулнинг овозини эшитапсанми? — деб сўрабди иккинчи ёш танқидчи биринчидан.

— Қандай далилларга асосланиб булбул деясан?

ринчи ёш танқидчи эса атрофидаги дарактларга кўз югуртирибди-да:

— Биласанми, бу боғнинг камчилиги нимада? — деб сўрабди шеригидан.

— Мен ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрмадим, — дебди иккинчи ёш танқидчи. — Хўш, қани, ўзинг айт-чи.

— Аввало дарактлар тартибсиз эканган, — дебди биринчи ёш танқидчи.

— Экилган эмас, менимча, ўзи шундай ўсиб чиққан бу дарактзорлар, — дебди иккинчи ёш танқидчи. — Ахир бу табиий боғ-ку. Шундан ҳам камчилик қидраверсак...

— Табиийми, сунъийми, — унисини билмайман. Лекин боғ камчиликлардан ҳоли эмас, — дея ўз сўзида туриб олибди биринчи ёш танқидчи.

— Камчилиги бўлса бордир, — Лекин биз овга чиққанмиз, дам олмоқчимиз, — дебди иккинчи ёш танқидчи.

шаверайлик, — деб дўстининг сўзига эътироз билдирибди биринчи ёш танқидчи.

— Қирғовул овлаш учун чўлга йўл олиб, боғдан чиқиб қолганимиз таажжубланарли ҳол, — дебди ҳаёл билан иккинчи ёш танқидчи.

— Таажжубланарли жойи йўқ, — дея яна ўз гапини маъқуллабди биринчи ёш танқидчи. — Чўлда кўрсатишимиз мумкин бўлган ҳўнарларни боғда ҳам кўрсатаверамиз. Қирғовул бўлмаса, мана бошқа қўшлар кўп-ку... Ҳалиги булбул деётганин хўв анави майда қўшчани?

— Ҳа, ўша. Сайраб турибди-ку, — дебди иккинчи ёш танқидчи.

Биринчи ёш танқидчи елкасидан милтиғини тушириб, шоҳлар орасида сайраб турган булбулни нишонга ола бошлабди.

— Ия, нима қилаяпсан? — дебди биринчи ёш танқидчи.

ОҒИЗГА ТАЛҚОН СОЛИБ ЎҚИЛАДИ...

Бошлиқнинг қабулида тепа сочим тизка бўлмасин десанг, дўппини бостириб ол!

Бирлашайми дея ҳайқириб, томоқ йиртадиганлардан эҳтиёт бўлмайси.

Бу не ҳолки, аламдан йиғлаётган кишини шодликдан кўз ёшларини тиз олманганга йўнб, бахтиёрлигимизни оламга дoston қиладурлар.

Қандай мўмин инсонки, елкасида ўтирган кишини тушirmoқчи бўлганлардан юз ўгириб, ганимлардан паноҳ сўрайди.

Қарангки, тузулқда тушириб ўрганган инсонлар ватан истиқлоли йўлида жон бермоққа қасам ичурлар.

Ул зотининг талаби будир: Елғонларимга инсонмоқ истасанг, ўзимнинг кимлигимин билмоққа қизқма.

Замона камбағалга боқмаслигининг сабаби ҳамма отлиқларнинг алақачон унга ўгирилиб олганлигидадур.

Ҳозиргилар анойи эмас. Аввал раҳбарнинг курсисини силкитиб кўради, мустақамлигига ишонч ҳосил қилсагина унга салоҳ бермоқни лозим деб биладилар.

Кечкурун нон қўти қимирлаб қолди. Кундузи чироқ ёқиб тополмаган увоқда кўз олайтиргон муттаҳамини тутиб ейман десам, эсининг борнда қочиб қолди ярамас!

Оролин кўтқариш қўмитасининг раҳбарлари тадбиркор бўлсалар эрди, турғунлик Ялларидаги нозиматларнинг сотилмайдиган кўргазмасини ташкил этган бўларди. Ул нозиматларин кўрган кишинларнинг оғзидан оққан сузларга Оролиннинг тўлиши, шубҳасиз.

Абдурахмон ЖўРА



Мусаваир Р. ЭГАМБЕРДИЕВ